| 115.5. | Муддати узайтирилган (кечиктирилган) тўловлар | 120 000 сўм<br>ҳар ойига (тўлов комиссиясига қўшимча қилиб олинади) |
| 115.6. | Тўловлар ёки негоциация | 0,1фоиз минимал 300 000, максимал 3 000 000 сўм) |
| 115.7. | Ҳужжатларни текшириш | 100 000 сўм ҳар бир ҳужжат учун |
| 115.8. | Тафовут билан тақдим этилган ҳужжатларга асосан аккредитив бўйича тўловни амалга ошириш (бенефициар ҳисобидан) | 100 АҚШ доллари эквивалентида |
| 115.9. | Тўланмаган ёки хато тақдим этилган ҳужжатларни қайтариш | Ҳақиқатда бўлган почта-телеграф харажатлари |
| 115.10. | Аккредитив аннуляцияси (воз кечиш) | 400 000 сўм |
| 115.11. | Аккредитив бўйича ёзишмалар ва сўровлар | 100 000 сўм |
| 115.12. | Бошқа банкларга аккредитивларни авизолаш | ЭКОИҲ 2 баробари |
| 115.13. | Эмитент банк сўровига асосан аккредитив тасдиқлаш | ЭКОИҲ 1 баробари |
| ***116.*** | ***Экспорт аккредитивлари*** | |
| 116.1. | Экспорт аккредитивини қабул қилиш ва авизолаш | 300 000 сўм |
| 116.2. | Ҳужжатларни қабул қилиш ва жўнатиш | Хақиқатдаги почта-телеграф харажатлари |
| 116.3. | Авизо этувчи банк ижрочи бўлганида ҳужжатларни текшириш | Ҳар бир ҳужжат учун<br>150 000 сўм |
| 116.4. | Олдиндан авизолаш | 100 000 сўм |
| 116.5. | Аккредитивни тасдиқлаш (чорак ёки бир қисми учун): | |
| | а) валюта билан копланганда | 0,2 фоиз |
| | б) валюта билан копланмаганда | Келишилган ҳолда |
| 116.6. | Тўлов учун талабнома қўйиш | 200 000 сўм |
| 116.7. | Аккредитив шартлари ўзгаришини авизолаш | 150 000 сўм |
| 116.8 | Аккредитив аннуляцияси (воз кечиш) | 100 000 сўм |
| ***117.*** | ***Битимлар (контрактлар)*** | |
| 117.1. | Мижоз аризасига асосан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида экспорт шартнома бўйича келиб тушган олдиндан тўлов, очилган аккредитив, берилган банк кафолати ва суғурта полиси асосида “Информация о справках о расчетах” маълумотномасини расмийлаштириш | Бепул |
| 117.2. | Мижоз аризасига асосан ташқи савдо шартномалари бўйича маълумот тақдим этиш:<br><br>1 йилдан ошмаган муддат ичидаги амалиётлар бўйича<br><br>1 йилдан 3 йилгача муддат оралиғидаги амалиётлар бўйича<br><br>3 йил ва ундан ортиқ муддат оралиғидаги амалиётлар бўйича | <br><br><br>100 000 сўм<br><br>200 000 сўм<br><br><br>400 000 сўм |
| ***118.*** | ***Своп амалиётлари*** | |
| 118.1. | Мижозга валюта сотилганда: | |
| | а) 30 кун муддатгача | 2,0% шартнома суммасидан |

| | | |
|---|---|---|
| | б) 31 кундан 90 кун муддатгача | 4,0% шартнома суммасидан |
| 118.2. | Мижозга сўм маблағлари сотилганда: | |
| | а) 30 кун муддатгача<br>б) 31 кундан 90 кун муддатгача<br>в) 91 кундан 180 кун муддатгача<br>г) 181 кундан 365 кун муддатгача | 1,5% шартнома суммасидан<br>3,0% шартнома суммасидан<br>5,0% шартнома суммасидан<br>7,0% шартнома суммасидан |
| ***119.*** | ***Чеклар билан амалиётлар*** | |
| 119.1. | Инкассога қабул қилинган чеклар (тўлов учун комиссия) | 200 000 сўм |
| 119.2. | Оддий захирадаги ҳисоб-китоблар учун олинган чеклар | 100 000 сўм |
| 119.3. | Чекларни қайтарганлик учун комиссия | 200 000 сўм |
| 119.4. | Нақд доллардаги йўл чеклари | 500 000 сўм |
| 119.5. | Тўловни тўхтатиш талаби | 500 000 сўм + тўлов учун комиссия |
| ***120.*** | ***Инкассо*** | |
| 120.1. | Соф инкассо учун комиссия | 300 000 сўм |
| 120.2. | Акцепт + инкассо | 200 000 сўм |
| 120.3. | Акцепт + аваль + инкассо | 1 000 000 сўм |
| 120.4. | Инкассо норозилиги (опротестование) | 200 000 сўм |
| 120.5. | Ўзгартириш/қайта йўналтириш учун комиссия | 150 000 сўм |
| 120.6. | Банкнинг/юбориладиган ҳужжатларни тузиш учун комиссия | 100 000 сўм |
| 120.7. | Сўров учун комиссия | 100 000 сўм |
| ***121.*** | ***Кафиллик билан боғлиқ амалиётлар*** | |
| 121.1. | Банк ёки мижоз фойдасига келган кафилликни авизолаш (Ипотека-банк томонидан мажбуриятларсиз) | 800 000 сўм |
| 121.2. | Банк ёки мижоз фойдасига келган кафиллик шартларининг ўзгартиришларини авизолаш (Ипотека-банк томонидан мажбуриятларисиз) | 400 000 сўм |
| 121.3. | - чет эл контр кафилилигига қарши Ипотека-банк мижози фойдасига кафиллик бериш | 1 фоизгача |
| 121.4. | Мижоз топшириғига кўра кафолат бўйича талабнома қўйиш | 250 000 сўм + Почта харажатлари |
| 121.5. | Талабномаларни бажариш | Мижоз билан келишилган шартномага асосан |
| 121.6. | Чет эл кафилигини қайтариш (кафилликда ёзилган шартига асосан) | 50 000 сўм+Почта харажатлари |
| 121.7. | Банк ёки мижоз фойдасига келган кафолатлар бўйича ёзишмалар | 300 000 сўм |
| ***122.*** | ***Нақд пул билан боғлиқ хизматлар*** | |
| 122.1. | А) Ҳисобварақдан нақд хорижий валютани бериш:<br>- Юридик шахсларга<br><br>- Фермер хўжаликларининг ҳисобрақамидан нақд хорижий валютани ечиб бериш | <br>0,3 фоиз мин. 150 000 сум<br><br>0,3 фоиз мин. 150 000 сум |

| | | |
|---|---|---|
| | - Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига<br>- Жисмоний шахсларга<br><br>- Солиқ, прокуратура ва бошқа Давлат органларини тадбир ва қарорларига мувофиқ | 0,3 фоиз мин. 100 000 сум<br><br>0,5 фоиз мин. 50 000 сум<br><br>Бепул |
| | Б) Аввал нақд шаклда топширилган суммадан:<br>- Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига<br>- Жисмоний шахсларга | <br>0,1 фоиз мин. 100 000 сум<br><br>Бепул |
| | В) Юридик шахслар учун нақд хорижий валютани мижоз ҳисобрақамига ўтказиш учун қабул қилиш<br>- АҚШ доллари, Россия рубли, евро, инглиз фунти, швейцария франки, япон йенаси, швед кронаси | <br><br><br>0,3 фоиз |
| 122.2. | Омонатга ёки хорижга жўнатиш учун нақд хорижий валютани қабул қилиш | Бепул |
| ***123.*** | ***Умумий хизматлар*** | |
| 123.1. | ТИФ масалалари бўйича консультация | Бепул |
| 123.2. | Валюта маблағларини харид қилиш учун тақдим этилган буюртма бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш:<br>- Барча мижозлар<br>- МИБ ва хукумат баённомалари, фармойишлари хамда хизмат сафари харажатлари билан боғлиқ буюртма<br>- Мижозлар томонидан ***интернет-банк*** орқали тақдим этиладиган буюртмалар | <br><br><br>100 000 сўм<br><br>Бепул<br><br>Бепул |
| 123.3. | Валюта маблағларини олди-сотди амалиётлари:<br>А) Миллий валютага чет эл валютасини сотиб олиш<br>Б) Суд қарорлари асосида МИБ томонидан тақдим этилган буюртмалар бўйича валюта маблағлари харид қилиш<br>В) Юридик шахсларнинг ички валюта бозорида валюта сотиш битимлари бўйича воситачилик ҳақи<br>Г) Ички валюта бозорида сотиб олинган ва фойдаланилмаган валютани қайта сотиш<br>Д) Солиқ органлари тақдимномалари асосида валюта маблағларини сотиш | <br>1,0 фоиз<br>Бепул<br><br><br>0,1 фоиз<br><br>0,1 фоиз<br><br>Бепул |
| 123.4. | А) Мижознинг валюта маблағларини (шаклланиш манбаидан қатъий назар) бошқа валютага айрбошлаш:<br><br>- Юридик шахслар учун<br><br><br>- Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун<br><br>- Жисмоний шахслар учун<br><br><br>Б) Ички валюта бозоридан сотиб олинган валюта | <br><br><br>0,5 фоиз (минимал 50 000 сўм - макс. 3 000 000 сўм)<br><br>0,3 фоиз (мин. 20 000 сўм - макс. 500 000 сўм)<br><br>0,5 фоиз (мин. 20000 сўм – макс. 500 000 сўм)<br><br>0,2 фоиз (мин. |

| | | |
|---|---|---|
| | маблағларни бошқа валютага айрбошлаш<br><br>В) Ички валюта бозоридан сотиб олинган хорижий валютани қайта сотиш учун бошқа хорижий валютага алмаштириб бериш. | 50000 сўм – макс. 500 000 сўм)<br><br><br>Бепул |
| 123.5. | Савдони молиялаштириш (торговое финансирование)<br>А) Молиялаштириш даврига қадар бошқариш учун<br>Б) Савдони молиялаштириш учун<br>10 000 000 АҚШ долл.эквивалентигача<br>10 000 001 – 20 000 000 АҚШ долл.эквивалентида<br>20 000 001 – 30 000 000 АҚШ долл.эквивалентида<br>30 000 001 АҚШ долл.эквивалентидан юқори | <br>йиллик 1,0 фоиз<br><br>йиллик 2,5 фоиз<br>йиллик 2,0 фоиз<br>йиллик 1,5 фоиз<br>йиллик 1,0 фоиз |
| | | |

| **IX.Кредитлаш бўйича хизмат ҳақлари миқдори*** | | |
|---|---|---|
| **№** | **Хизмат турлари** | **Хизмат ҳақи миқдори** |
| 124. | Кредит ҳисобрақамини очиш учун | Бепул |
| 125. | Кредит ҳисобрақамига хизмат кўрсатиш учун | Бепул |
| 126. | Кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш учун бир марталик тўлов | Хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириладиган кредитлар - кредит линияси шартларига мувофиқ, бошқа кредитлар бепул |
| 127. | Гаров таъминотини расмийлаштириш учун | Бепул |
| 128. | Гаров таъминотини гаровдан чиқариш ёки қисман чиқариш | Бепул |
| 129. | Мониторинг ўтказиш | Бепул |
| 130. | Мижознинг талабига асосан кредит шартномасига ўзгартириш киритиш | Кредит қолдиғининг 0,1 фоизи (ЭКОИҲнинг 5 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда) |
| 131. | Кредит қолдиғи бошқа банкка сотилганда | Бепул |
| 132. | Кредит бюросидан олинган маълумот учун | Бепул |
| 133. | Гаров реестрига ёзув киритилганлиги учун | Бепул |
| 134. | Очиқ кредит линияларидан фойдаланмаган кредит суммаси учун | Бепул |
| 135. | Муддати ўтган кредитлар учун пеня (ўз маблағлари ҳисобидан) | Кредит фоизи 1,5 баробаргача оширилади, бироқ 50 фоиздан ошмаган ҳолда (жалб қилинган кредит линиялардан ташқари) |
| 136. | Муддати ўтган фоизлар учун пеня | Муддати ўтган фоиз суммасиинг 0,1 фоизи миқдорида  (муддати ўтган фоизнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда) |
| 137. | Кредит бўйича ойлик абонент тўлови | Бепул |

| X.Валюта айирбошлаш шохобчалари томонидан амалга ошириладиган операциялар бўйича | | |
|---|---|---|
| 138. | Валюта айирбошлаш шохобчалари орқали бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа давлатнинг нақд валютасига алмаштириш (конверсия) | 1%<br>Камида 10 000 сўм<br>(мижоздан олинган нақд хорижий валютани банкнинг сотиб олиш курсида олиниб, унга алмаштириб бериладиган валютани банкнинг сотув курсида берилади) |
| 139. | Айирбошлаш шохобчаси томонидан ҳақиқийлигига шубҳа туғилган нақд чет эл валютасини детектор ёрдамида ҳақиқийлигини текшириб бериш | Ҳар бир банкнота учун 500 сўм |
| 140. | Валюта айирбошлаш шохобчасида қуйидаги шикастланиш белгилари мавжуд шикастланган чет эл валютасини шикастланмаган шу турдаги чет эл валютасига алмаштириб бериш ёки миллий валютага айирбошлаш:<br>банкнота тасвирини (шаклини) аниқлаш имконини берадиган даражада сийқаланган ва ифлосланган бўлса;<br>банкнота энининг (бўйининг) тўртдан бир қисмидан ошмаган ёпиштирилган йиртиқларга эга бўлса;<br>ёпиштириб қўйилган бурчаклари ёки қисмлари (1 sm-2 дан ошмаган) бўлса ҳамда йиртиб олинган бурчаклари ёки қисмлар аниқ ушбу банкнотага тегишли бўлса;<br>майда доғлар, ёзувлар, штамп изи (бунда ёзув ёки штамп изи икки донадан ошмаган бўлиши лозим, банкнота тугатилганлиги, сохталиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплардан бундан мустасно) бўлганда ҳамда улар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган асосий ҳимоя белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиғини тўсиб қўймаган бўлса;<br>банкнота диаметри 1 mm дан ошмаган ва иккитадан кўп бўлмаган тешиклар бўлса. | Банкнотанинг номинал қийматидан 5 фоиз<br><br>Камида 10 000 сўм |
| 141. | Қуйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган шикастланган муомалага яроқсиз банкноталарни валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан инкассога эмитент банкка жўнатиш учун қабул қилиш:<br>бўлакларга ажратилган, шу жумладан ёпиштирилган бўлса;<br>дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса;<br>ёнган ёки куйган ҳолатда бўлса;<br>қонуний тўлов воситаси эканлигини кўрсатувчи асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиқ қисмига мой, бўёқ ёки сиёҳ тўкилган бўлса;<br>банкнотада кимёвий реактивлар таъсири бўлса;<br>муайян даражада қасддан шикастланган ҳолда тасвир (сурат, портрет) ўзгартирилганда, номинали ўзгартирилган, ҳимоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлса;<br>банкнотлар аниқ босма хатога эга бўлган (сув | 3%<br><br>Хорижий банкка тўланадиган харажатларни қоплаган ҳолда |

| | | |
|---|---|---|
| | белгиси ёки ҳимоя ипчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тўлиқ босилмаган ёки суркалиб кетган бўлса;<br>банкнота геометрик ўлчамининг 3 mm га тенг ёки ундан ортиққа ўзгарган бўлса;<br>банкнота тасвирини (суратини, портретини, шаклини) аниқлаш имконини бермайдиган даражада сезиларли сийқаланган ва ифлосланган бўлса;<br>ўзининг қаттиқлик даражасини сезиларли даражада йўқотиб, юмшоқ ҳолга келган банкнотлар.<br>Тегишли хорижий давлатнинг эмитент банки томонидан эълон қилинган санадан кейин муомаладан чиқарилган ҳамда банкнота тугатилганлиги, сохталиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар мавжуд бўлган банкноталар тўловга яроқсиз деб эътироф этилади. | |
| 142. | Айирбошлаш шохобчасида йирик чет эл валютасини ўша давлатнинг чет эл валютасига майдалаб бериш ёки майда чет эл валютасини ўша давлатнинг чет эл валютасига йириклаб бериш операцияларини амалга ошириш | 1%<br>Камида 10 000 сўм |

**“Ипотека-банк” АТИБ томонидан миллий ва хорижий валютадаги амалиётлар бўйича банк хизматлари кўрсатиш тарифларидан ва фоиз сиёсатидан фойдаланиш**

**ҚОИДАЛАРИ**

Ипотека-банк томонидан миллий ва хорижий валютадаги амалиётлар бўйича банк хизматлари кўрсатиш тарифлари қуйидаги шартлар билан амал қилади:

1. Тариф ставкалари Ипотека-банкнинг стандарт амалиётлари бўйича қўлланилади.

2. Ностандарт шароитларда амалиётларни бажариш қўшимча иш ҳажмини келтириб чиқарганда, Ипотека-банк алоҳида келишув асосида махсус ва қўшимча комиссиялар ундириш ҳуқуқига эга.

3. Тарифларда кўзда тутилмаган хизматлар бўйича комиссиялар томонлар келишуви бўйича шартномага асосан ўрнатилади.

4. Ипотека-банк, мижозни бу ҳақда хабардор қилиш шарти билан тарифларга бир томонлама ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Мижоз Ипотека-банкни ўз манзили, телефон рақамлари ва бошқа тафсилотлари ўзгарганлиги тўғрисида ёзма тарзда хабар бермаганлиги натижасида ёки бошқа банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юборилган хабарни олмаслиги, Ипотека-банкнинг ушбу ўзгартирилган тарифлар бўйича ҳақ олишига тўсқинлик қилмайди.

Банк хизмати кўрсатиш Тарифлари ва унга киритилган ўзгартиришлар банкнинг расмий интернет сайти, ижтимоий тармоқлардаги махсус сахифалари, тадбиркорлар хонаси, банкнинг эълонлар тахтаси, прайс лист ва бошқа воситалар орқали эълон қилиниши лозим.

5. Кўрсатилган ҳисоб-китоб хизматлари ва бошқа хизматлар учун банк комиссиялари ва фоизлари хизмат кўрсатилган куни ҳисобланади ва ундирилади.

6. Мижозга кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган фоиз ва комиссиялар мижоз ҳисобварағида маблағ йўқлиги сабабли тўланмаса филиалнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими ва бошқа масъул ходимлари томонидан ўрнатилган тартибда баланснинг мижоз учун очилган кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига (2-сонли картотекасига) жойлаштирилади ва белгиланган тартибда ундирилади.

7. Мижоз банк ҳисобварағини ёпиб, бошқа банкка ўтказилганда мижоздан ҳисобварағи ёпилгунга қадар бўлган амалиётлар бўйича амалдаги Тарифларга асосан хизмат ҳақи ундирилади.

8. Бир мижознинг Ипотека-банк тизимидаги бир нечта ҳисобварақлари ўртасидаги пул ўтказмалари ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларидан қайтариш – бепул; Бошқа банклардаги ўз ҳисобварақларига пул ўтказмалари бўйича дебет айланмаси учун ҳақ - амалдаги тарифлар асосида ундирилади.

9. Бюджет ташкилотларининг шартномада кўрсатилган бюджетдан ташқари ҳисобварақлари бўйича банк томонидан амалдаги Тарифларга асосан ҳақ ундирилади.

Мижознинг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш бепул равишда, бошқа барча ҳолларда хизмат учун тўловлар амалдаги Тарифларга асосан ундирилади.

10. Ушбу Тарифларнинг тегишли бандлари бўйича олинган даромаддан банк томонидан қўшимча қиймат солиғи тўланишини инобатга олиш лозим. Бунда ушбу бандларда қайд қилинган Тарифлар таркибида қўшимча қиймат солиғи мавжуд.

Шунингдек, аниқ хизмат турларини кўрсатиш бўйича мижозларга хизмат кўрсатишдан банкда қўшимча равишда вужудга келадиган солиқлар (ҚҚСдан ташқари), йиғимлар, тўловлар, телекоммуникация ва почта харажатлари, вакил банклар комиссиялари ва бошқа кўзда тутилмаган харажатлар, белгиланган Тарифлардан ташқари қўшимча равишда ундирилади.

11. Банк филиаллари даромадлиликни таъминлаш мақсадида, алоҳида холларда, ушбу Тарифларда ўрнатилган банк хизмати тўловларининг чегаравий даражасидан юқори миқдорда тўловларни белгилашлари мумкин. Бунда, банк хизмати тўловларининг чегаравий даражасидан юқори миқдор ҳар бир мижоз бўйича филиал бошқарувчисининг

алоҳида буйруғига асосан банк ва мижоз ўртасида тузиладиган Банк хизмат шартномасида аниқ кўрсатиб ўтилиши лозим.

12. Ҳисоб-китоб амалиётлари бўйича дебет айланмаси учун тарифларнинг аниқ даражаси филиалнинг барча мижозлари учун бир хил даражада белгиланиши лозим.

13. Дебет айланмаси учун тарифнинг аниқ даражасини белгилашда мижознинг пул айланмалари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ёки филиал ички тўловлари, филиалллараро тўловлар ва банклараро тўловларга ажратилган ҳолдаги кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Филиалда барча мижозлар учун дебет айланмаси бўйича танланган тарифнинг аниқ даражаси белгиланганидан сўнг, бир алоҳида олинган мижозга ёки мижозлар гуруҳига филиал бўйича белгиланган даражадан камроқ даражада ёки бепул тариф қўллаш фақатгина худудий филиал комиссиясиинг коллегиал равишдаги қарори асосида амалга оширилади.

14. Мижозга филиал бўйича белгиланган даражадан камроқ даражадаги ёки бепул тариф қўллаш мижозга тарифлар бўйича имтиёзлар бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бош банкнинг Иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бошқармаси, филиалнинг молиявий аҳволи ёмонлашишини олдини олиш мақсадида, филиалларда имтиёзли тарифлар қўлланиши мумкин бўлган мижозлар сони бўйича ҳар бир филиал миқёсида расмий равишда (Бошқарув Раиси ўринбосари имзоси билан) лимит ўрнатиши мумкин. Филиаллар молиявий аҳволи яхшилангандан сўнг, имтиёзли тарифлар қўлланиладиган лимит миқдорини ошириш бўйича Бош банкка асосли мурожаат қилиши мумкин.

Мижозга имтиёзлар амалдаги тартиб асосида расмийлаштирилиши лозим. Тошкент шаҳар, Тошкент вилоят ва барча вилоят филиалларида алоҳида аҳамиятли мижозларга имтиёзли шартларда хизмат кўрсатиш бўйича расмийлаштирилган коллегиал комиссия қарорини рўйхатга олиш китоби юритилиши лозим. Китобда қарор санаси, рақами, имтиёз қўлланилаётган мижоз номи, имтиёзли тариф ставкаси ва унинг амал қилиш муддати қайд қилиниши лозим.

Китоб варақлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Бош банк бош бухгалтери имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Бошқа барча ҳолатларда бирор мижозга филиалда аниқ даражаси белгиланган тарифлардан пастроқ даражадаги тарифларни қўллаш Ипотека-банк Тарифларига риоя этилмаслик ҳисобланади.

15. Филиалларнинг алоҳида аҳамиятли мижозларига филиал бўйича ўрнатилган тарифларга нисбатан имтиёзли тарифлар қўллашда мижозларга банк хизматлари кўрсатиш бўйича имтиёз, ҳудудий филиал иқтисодий таҳлил бўлими томонидан чуқур таҳлил асосида, коллегиал комиссия қарорига мижознинг банкка келтирадиган аҳамиятини, банк ҳисобварағи орқали амалиётлари ҳажмини, банк кассаларига нақд пул тушуми, мижоздан олинган даромадини ва бошқа омилларни кўрсатган ҳолда амалга оширилади. Бунда, комиссия қарорида мижознинг банкка келтирадиган фойдаси ҳамда унинг аҳамияти бўйича келтирилган рақамлар, фактлар ва таҳлилий маълумотлар бўйича жавобгарлик ҳудудий комиссия таркибидаги иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи зиммасига юклатилади.

Мижозга имтиёз бериш, мижоз томонидан филиалга мурожаат қилинган санадан эътиборан ҳудудий филиал комиссиясининг коллегиал равишдаги қарорларини 10 иш куни ичида кўриб чиқилиши шарт. Мижоз томонидан хеч қандай алоҳида аҳамият касб этмаган ҳолда унга имтиёзли, айниқса бепул тарифлар қўллаш таъқиқланади.

Бир мижозга молиявий йил давомида узоғи билан бир йил муддатга имтиёзли тарифлар қўллаш мумкин.

16. Банк филиалларида мижозларга банк хизматлари учун бепул тарзда хизмат кўрсатиш мижознинг бошқа мижозларга нисбатан аҳамиятли сифатлари бўлган тақдирда, ёки бепул тарзда хизмат кўрсатиш учун банк фойдасига сабаблар бўлган тақдирда, ушбу сифатларни ҳамда сабабларни тегишли ҳудудий филиалнинг коллегиал баённомасида кўрсатган ҳолда (кворум асосида) расмийлаштириш лозим. Ушбу талаблар асосида расмийлаштирилмаган баённомаларга кўра берилган имтиёзлар, Бош офис томонидан ушбу мижозга кўрсатилган хизматлар учун ундирилмаган ҳақ сифатида баҳоланиши мумкин.

17. Алоҳида тариф тури бўйича, банкнинг ҳудудий филиалининг комиссияси рухсати билан (молиявий ҳолатидан келиб чиқган ҳолда) мижозларга имтиёз қўлланилиши мумкин.

18. Имтиёзли шартлар асосида хизмат кўрсатилаётган мижоз, ушбу имтиёз тугаган вақтдан бошлаб 3 ой давомида бошқа тижорат банкига (Ипотека-банк филиаллари бундан мустасно) асосий ҳисобварағини олиб ўтиш истагини билдирган тақдирда, филиал бош бухгалтери назорати остида мижозга берилган барча имтиёзлар натижасида ҳисобланмаган даромад қайта ҳисоб-китоб қилинади ва мижоздан ундирилади. Барча филиаллар имтиёзли шартлар асосида хизмат кўрсатиш бўйича мижоз розилиги билан мазкур қоидани шартномага асосан расмийлаштиришлари лозим.

Алоҳида ҳолларда Бошқарув Раиси ўринбосарининг ёзма рухсатига ҳамда тегишли бошқармалар билан келишган ҳолда, имтиёзли тариф қўлланилган ва бошқа тижорат банкига ўтаётган мижозлар бўйича ҳисобланмаган даромадни қайта ҳисоб-китоб қилмасликка рухсат берилади.

18.1. “Welcome” тарифи мижоз бошқа банкдан Ипотека-банкка ўз ҳисобварақларини олиб ўтган кунидан бошлаб кейинги 6 ой учун қўлланилади.

“Welcome” тарифи ушбу бошқарув қарори кучга кирган кундан эътиборан Ипотека-банк тизимидан бошқа тижорат банкига ўз асосий ҳисобварағини олиб ўтган ва ўз ҳисобварақларини Ипотека-банк филиалларига қайтиб олиб ўтаётган мижозларга нисбатан қўлланилмайди.

19. Ҳудудлардаги банк хизматлари бозорининг хусусиятларидан келиб чиқиб, Ипотека-банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят филиаллари коллегиал равишда ҳар бирини индивидуал тартибда кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши шарти билан филиалларда алоҳида аҳамиятга эга бўлган мижозларга ушбу тарифларга нисбатан алоҳида имтиёзли шартларда хизмат кўрсатиш тартибини белгилайди.

Ипотека-банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят филиаллари томонидан қуйи филиалларга, хат, баённома ёки бошқа ҳужжат асосида мижозлар бўйича филиалда белгиланган стандарт даражадан камроқ даражада ёки бепул тариф қўллаш ваколатини бериб қўйилиши мумкин эмас.

Шу билан биргаликда, даромадлар миқдорини ошириш мақсадида барча филиалларга, мижозлар билан ўзаро келишилган ҳолда шартномага асосан, ушбу тарифларга нисбатан юқорироқ ставкаларда хизмат кўрсатиш ваколати берилади.

20. Тарифларда ойлик тўлов миқдори белгиланган хизмат турлари бўйича тўлов мижоз ушбу хизматни кўрсатиш бошланган (ёки бекор қилинган) ойлар учун ушбу хизматдан фойдаланган кунларга пропорционал равишда ундирилади.

21. Мижозларга хорижий валютадаги филиаллар томонидан ундириладиган банк хизматлари юзасидан имтиёзлар бериш филиалларининг худудий бошқармалари коллегиал баённомасида кўрсатган ҳолда (кворум асосида) расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Мазкур тарифнинг 115, 116, 121 ва 123.4 - бандларига тегишли банк комиссиялари бош амалиёт бошқармаси даромадига, қолган барча банк комиссиялари филиал даромадига ўтказилади. Бош амалиёт бошқармаси томонидан ундириладиган комиссиялар бўйича имтиёзлар бериш фақатгина Ипотека-банк Бош офисининг тегишли масъул бошқармалари иштирокида ва Бошқарув Раиси ўринбосарининг рухсати билан амалга оширилади

(Изоҳ: мазкур тарифнинг 123.4 - бандига мувофиқ кўрсатилган банк хизматлари филиалнинг ўзида амалга оширилса комиссия филиал томонидан ундирилади).

Шу жумладан, мижозларга хорижий валютада хизматлар кўрсатишда бошқа (клиринг банклар, хорижий банклар ва х.к.) банкларга тўланган комиссия ва фоизлар Тарифларга қўшимча равишда мижозлар томонидан тўланади.

Мижозларга хорижий валютада хизматлар кўрсатишда Ипотека-банк комиссиялари ёки йиғимлари, ёки учинчи томонлар йиғимлар норезидент ҳисобига бўлса ва у тўлай олмаса ёки тўлашдан бош тортса, у ҳолда Ипотека-банкнинг барча мазкур йиғим ва комиссиялари резидент ҳисобидан ундирилади.

22. Ипотека-банк филиалларидаги мижозларга хорижий валютадаги ва ташқи иқтисодий фаолият бўйича хизматларнинг комиссиялари, фақатгина миллий валютада

(хизмат ҳақи операция суммасидан келиб чиққан тақдирда томонларнинг келишувига кўра) ундирилади.

23. Алоҳида ҳолларда, айрим мижозлар учун белгиланган тарифлардан ўзгача алоҳида ёндашиш ҳолатлари тегишли Бошқарув Раиси ўринбосарлари рухсатига асосан, таалуқли бошқармаларнинг келишувига асосан амалга оширилади.

Ушбу рўйхатдаги ва бошқа амалиётлар бўйича филиаллар мурожаати ва тегишли департамент (бошқарма) хулосасига кўра Бошқарув ёки Кредит Қўмитаси қарори ёхуд Бошқарув Раиси (Бошқарув Раиси ўринбосарлари) розилиги асосида бошқа тариф ставкалари қўлланилиши мумкин. Айрим мижозлар бўйича алоҳида фоиз ставкалари қўллаш бўйича аввалги қабул қилинган ва амалда бўлган Бошқарув қарорлари ушбу қарор билан бекор қилинмайди.